

НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИДА СТРАТЕГИК КОМПЕТЕНЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА МАЗМУН-МОҲИЯТИ.

Азимова Феруза Хужамкуловна

Жиззах политехника институти

“Хорижий тиллар” кафедраси ўқитувчиси.

Максимова Наталия Леонидовна

И. Н. Улянова номидаги Чуваш давлат университети доценти

Аннотация. Мазкур мақолада нефть-газ саноатида стратегик компетенция тушунчаси ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Шунингдек, коммуникатив компетенция таркибига лингвистик, социолингвистик, ижтимоий, ижтимоий-маданий, дискурс, таянч, касбий компетенциялар билан бирга стратегик компетенцияни тўғрида маълумот берилган.

Калит сўзлар: компетенция, стратегик компетенция, лингвистик, социолингвистик, ижтимоий, ижтимоий-маданий, дискурс, таянч, касбий.

Annotation. This article covers the peculiarities of the concept of strategic competence in the oil and gas industry. Also, the content of communicative competence is given information on the correctness of strategic competence along with linguistic, sociolinguistic, social, socio-cultural, discursive, base, professional competencies.

Keywords: competence, strategic competence, linguistic, sociolinguistic, social, socio-cultural, discourse, base, professional.

Йиллар давомида “стратегик компетенция” тушунчаси вақти-вақти билан тадқиқотчиларнинг эътиборини тортади. Коммуникатив компетенция таркибига лингвистик, социолингвистик, ижтимоий, ижтимоий-маданий, дискурс, таянч, касбий компетенциялар билан бирга стратегик компетенцияни ўз ичига олади. Коммуникатив компетенциянинг таркибий қисмлари сифатида стратегик компетенция умумэътироф этилган бўлса ҳам

“стратегик компетенция” тушунчасида ҳали ҳам ноаниқлик мавжуд. Бироқ, яқин вақтгача ўқитувчилар ва тилшунослар маданиятлараро мулоқот жараёнининг ташқи кўринишларига кўпроқ қизиқиш билдиришган. Бундай мулоқотга имкон берадиган шахс компетенциясига етарлича эътибор берилмади ва бу эса, биринчи навбатда, стратегик компетенцияга таъсир кўрсатди. Асосий концепцияси бўлган “стратегик компетенция” компетенция ва стратегия каби иккита компонентлардан ташкил топади.

Стратегик компетенция – компенсатор кўникма ва қобилиятларни (талабаларнинг мулоқот жараёнида юзага келадиган қийинчиликларни енгиш қобилияти) ўрганиш кўникмаларини (олинган билимлардан мустақил фойдаланиш ва ўз билимлари ва бошқа одамларнинг билимларини тўғри баҳолаш қобилияти) ўз ичига олади.

Хорижий тилларни ўқитишда стратегик компетенция тушунчасига бир қатор таърифлардан фойдаланилиб келмоқда.

Хорижий тилларни ўқитишда стратегик компетенция тушунчасига таърифлар

№	Стратегик компетенция	Стратегик компетенциянинг мазмун-моҳияти
1.	Стратегик компетенция	коммуникация бўлмаганда вербал ва невербал воситалардан фойдаланиш қобилияти
2.	Стратегик компетенция	турли коммуникатив вазифаларни бажаришда самарали стратегияларни танлаш ва қўллаш қобилияти; умумий кўникмаларни эгаллашда: аниқ коммуникатив вазифаларни жорийланишда режа ишлаб чиқиш; режаларни бажариш; коммуникацияни такомиллаштиришда коммуникатив мулоқотни эгаллашни баҳолаш; билим ёки қобилиятлар етарли бўлмаган мулоқот вазиятларга тайёргарлиги ва кўникмалари; самарали умумий ўқув кўникмаларидан фойдаланиш; аниқлаштирувчи саволларни бериш

3.	Стратегик компетенция	компенсатор кўникма ва малакалари, ўқиш муҳимлигини назоратга олувчи кўникма ва малакалар, турли манбалардан мустақил билим эгаллаш йўллари, турли режимда ўқувчиларни ишлаш қобилиятини баҳолаш, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш қобилияти
4.	Стратегик компетенция	бу оғзаки ёки оғзаки бўлмаган (тақлид, имо-ишора) воситалар билан мулоқот қилишда тилни билишдаги камчиликларни қоплаш қобилияти
5.	Стратегик компетенция	бу мулоқот жараёнида тилни билмаслик, шунингдек, чет тилида нутқ ва ижтимоий мулоқот тажрибасини тўлдириш қобилияти

Юқорида кайд этилган таҳлилларга асосан коммуникатив компетенциянинг таркибий қисмларини ўрганиш шуни кўрсатдики, чет тилидаги коммуникатив компетенциянинг муҳим таркибий қисми сифатида стратегик компетенция кўриб чиқилган. Бироқ, ушбу компетенция чет тили муаммоларини ҳал қилишнинг мақбул усулларини излашда муҳим аҳамиятга эга бўлишига қарамай мулоқот фаолиятида ушбу концепциянинг мазмуни ҳақида мунозаралар бир неча ўн йиллар давомида давом этмоқда. Натижада стратегик компетенциянинг турлари тадқиқотларда шакллана бошланди.

Тадқиқотчи Р.Оксфорд томонидан аниқланган ўқув стратегияларни ўрганишга ва ривожлантириш жухатларига тадқиқотимизда аҳамият қаратдик. Ўқув стратегияларига қуйидагилар киради:

ўрганилаётган чет тилида мулоқот қилиш учун зарур бўлган тилнинг таркибий элементларини (грамматик, лексик, фонетик) билиш ва уларни оғзаки ва ёзма мулоқот ҳолатларида қўллаш кўникма ва малакалари;

чет тилида мулоқот қилишда зарур бўлган нутқни ташкил этувчи формулалар тўпламини билиш ва эгаллаш;

кўп тилли суҳбатдошлар ўртасида алоқа ва ўзаро тушунишни ўрнатишга имкон берадиган оғзаки ниятни амалга ошириш қобилияти;

тил ва нутқ ходисаларининг миллий-маданий хусусиятларини билиш;

чет тилидаги алоқа жараёнида коммуникатив қийинчилик шароитида оғзаки компенсатор воситаларини билиш;

тил, прагматик ва ижтимоий-маданий табиатни тўлдириш учун ишлатиладиган ўрганилаётган чет тили маданияти вакилларининг коммуникатив хатти-ҳаракатларининг оғзаки бўлмаган элементлари ҳақидаги билимлар;

Нутқ фаолияти турлари учун ўқув стратегик компетенцияси қуйидаги кўникма ва қобилиятлар билан ифодаланиши мумкин ҳамда ўқув стратегик компетенциясини ривожлантириш машқлар тизимини тавсия этамиз. Ушбу стратегияларни ишлаб чиқиш учун машқлар тизими қуйидагиларга қаратилган:

- 1) ассоциатив прогнозлаш;
- 2) таркибий ва семантик прогнозлаш;
- 3) дедукция/индукция;
- 4) ассоциатив семантика;
- 5) интернационализм сўзларини аниқлаш;
- 6) морфологик реконструкция;
- 7) сўзларнинг мослиги;

Хулоса қилиб айтганда, инглиз тилини ўқитишда талабаларнинг стратегик компетенциясини ривожлантириш ўқув стратегияларининг турларини фарқлаш имконини беради, нефть-газ саноатига оид терминлар типологияси моддалар, нефть-газ геофизикаси, нефть-газни қайта ишлаш маҳсулотлари, нефть-газни қайта ишлаш моддалари ва маҳсулотларининг хусусиятлари, технологик жараёнлар ва операциялар, жиҳозлар ва ускуналар. нефть-газ саноатида ишлаб чиқариш, ташиш ва реализация қилиш иштирокчилари, нефть-газ қазиб олиш соҳасидаги ҳужжатлар каби мавзулар

бўйича гуруҳлаштириш имконини беради. Бунда нефть-газ саноатига оид матнларни таржима қилишдаги қийинчиликларни аниқлашни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Isakulova N. Using the Venn Diagram in Teaching Geography Terms //Journal of Pharmaceutical Negative Results. – 2022. – С. 2519-2523.
2. Isakulova N. USE OF BLITS-QUESTION METHODOLOGY IN TEACHING TERMS OF GEOGRAPHY //European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2022. – Т. 2. – №. 06. – С.
3. Terminological combinations of oil and gas industry terms in english and kazakh languages.
4. Англо-русский словарь по нефтегазовому делу. Электронный ресурс: [Утечка, просачивание - стр. 2 \(refdb.ru\)](http://refdb.ru).
5. Калинина С. Сущностные характеристики термина в сфере его функционирования (на материале периодики и узкоспециализированной литературы англоязычной нефтегазовой терминосистемы).